



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил  
21 июль  
ШАНБА  
№ 57  
(12.485)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

## ТАҚДИРИМсан, БАХТИМсан, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!



### ДАРОМАДГА ЯРАША ХАРИД

Пахта, галла юртимиз кишлоқ ҳўжалигининг асоси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ушбу экин турларини етиштиришни ривожлантириш, серҳосил ва иқлимга мос янги навлардан самарали фойдаланиш алоҳида аҳамиятга эга.

Бекобод туманидаги "Шохруҳбек - Шаҳзодбек" фермер ҳўжалигида ҳам маҳаллий шароитга мос пахта ва галла навидан кенг фойдаланилади. Бу йил "Султон - R-1" чигит нави экилди. Натижа ёмон эмас, гўза ривож кўнгилдагидек. Айни кунда ҳар тупда ўртача 15 тагача кўсак санаш мумкин.

Ҳўжаликнинг 33,6 гектардаги гўза майдонларида чилпиш ишлари якунланди. Эндиги вазифа гўзани маҳаллий ва минерал ўғитга тўйдирishi ҳамда кўсакларнинг бўлиқ бўлишини таъминлашдир.

Ҳўжалигимизда 18 киши меҳнат қилади. - дейди фермер Абдурахмон Холмурзаев. - Тўрт нафар фарзандимиз ҳўжалик ишларида асосий таянч. Тўнгишимиз Абдувоҳид барча ишларга масъул. Шунинг учун ҳам агротехник тадбирлар тўлиқ ва сифатли бажарилишига алоҳида эътибор берамиз.

Бу йилги шартнома режасига кўра 82,3 тонна пахта топшириши-

миз лозим. Аммо, далаларимиздаги гўзанин ривож бунданда юқори ҳосил олиш имкони борлигидан далолат берапти. Даромад ҳам шунга яраша бўлади.

2010 йилда лизинг асосида "ТТЗ-80" трактори харид қилган эдик. Бугун ушбу карзимиздан тўла қутулдик. Бу йилги даромадга қараб яна техника сотиб оллоқчимиз.

Равшан НЕЪМАТОВ.

СУРАТА: ота-бола Абдурахмон ва Абдувоҳид Холмурзаевлар.

Даврон АҲМАД олган сурат.

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ЯНАДА ТУБДАН ЯХШИЛАШ ВА ТАДБИРКОРЛИККА ЯНАДА КЕНГ ЭРКИНЛИК БЕРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қайд этилсинки, кейинги йилларда Ўзбекистонда бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодийни либераллаштириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, рақобатни ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни рағбатлантириш йўлидан изчил олга силжиш борасида кенг қўламадаги чора-тадбирлар комплексини қабул қилинди.

2011-2015 йиллар даврида Ўзбекистон иқтисодиётида ислохотлар микёсини кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича тасдиқланган чора-тадбирлар Дастурини амалга ошириш доирасида фақатгина сўнгги йилнинг ўзида тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш, хусусий мулк устуворлигини таъминлаш ва унинг ҳуқуқий муҳофазасини кучайтириш, корхоналарнинг молия-ҳўжалик фаолиятига давлат ва назорат қилувчи идоралар арасидаги камайтиришга оид аниқ чора-тадбирлар рўёбга чиқарилди.

Тадбиркорлик субъектларининг давлат, ҳуқуқий муҳофаза этувчи ва назорат қилувчи органлар билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлиги таъминлини кўнун даражасида жорий этилди.

Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш, уларни муҳандислик-коммунал тармоқларига улаш, экспорт товарларини боҳжонада расмийлаштириш тартиб-таомиллари сезиларли даражада соддалаштирилди ва арзонлаштирилди. Кичик бизнес субъектларида улар рўйхатга олинган пайтдан бошлаб уч йил мобайнида солиққа оид режали текширишлар ўтказилишини таққиловчи тартиб жорий этилди. Давлат томонидан харид қилишнинг янги янада тақомиллаштирилган, очик ва ошқора механизми ўрнатилгани, бунда кичик бизнес субъектларига афзаллик берилди. Барча кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини солиқ ва молиявий ҳисоботларини топширишининг электрон тизимига бошқичмабошқич ўтказиш бошланди.

Республика ва минтақалар бўйича иқтисодийни либераллаштириш ва модернизация қилиш қўламлирини, мамлакатда ишбилармонлик муҳитини шакллантириш даражасини ҳар чо-

рақда баҳолаш кўрсаткичлари тизими жорий этилган.

Натижада, 2000 йил билан таққослаганда кичик бизнеснинг ялли ички маҳсулотдаги улуши 31 фоиздан 54 фоизгача кўпайди, ушбу соҳада меҳнат билан банд бўлганлар сони шу давр ичида 2 баробардан кўпроқ ошди ва иқтисодий тармоқларда меҳнат билан банд бўлганларнинг 75,1 фоизидан кўпроги унинг улушига тўри келади. Ҳозирги вақтда ялли ички маҳсулотнинг 82,5 фоизи, саноат маҳсулотининг 91 фоизи ва кишлоқ ҳўжалигининг деярли барча маҳсулоти нодавлат секторидан ишлаб чиқарилмоқда.

Шу билан бирга, ишбилармонлик муҳитининг ҳозирги ҳолати, бизнесни юритиш шарт-шароитлари эркин бозор иқтисодиёти талаблари ва таъминлашга, умум қабул қилинган халқаро меъёр ва стандартларга ҳали тўлиқ даражада мос келмаётгани йўқ. Тадбиркорлик фаолиятини ортиқча регламентлар билан чеклаб қўйиш ҳоллари ҳали ҳам баргараф этилмаган, иқтисодий тармоқлари ва секторларида катта, серхаражат, ношқора маъмурий тартиб-таомиллар ҳамон амал қилиб келмоқда, бюрократик тўсиқ ва воғларга барҳам берилмаган.

Ҳозирги халқаро амалиётда қабул қилинганидек, регламентга солувчи тартиб-таомилларни янада соддалаштириш, арзонлаштириш ва қисқарттириш, давлат ва назорат қилувчи органлар билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг бевосита мулоқотсиз элементларини ҳамма жойда кенг тартиб эши талаб қилинади.

Ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг қулай шарт-шароитларни яратиш, корхоналарнинг фаолияти билан боғлиқ тартиб-таомилларнинг барча турларини қисқарттириш, соддалаштириш ва очик-ойдинлик даражасини ошириш, бизнесни юритиш шарт-шароитларини баҳолаш мезонларининг жаҳон амалиётда ҳамма томонидан қабул қилинган тизимини жорий этиш ва шу асосда мамлакатимиз ишбилармонлик ва инвестиция муҳити даражасининг халқаро рейтингини янада ошириш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки,

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия вазирликлари, Марказий банки томонидан манфаатдор идоралар ва тузилмалар билан биргаликда Жаҳон банки ҳамда унинг бўлинимаси бўлган Халқаро молия корпорацияси томонидан қабул қилинган "Бизнесни юритиш" ҳисоботи-ни шакллантириш методикасига мувофиқ ишбилармонлик муҳити ҳолатини омилар асосида таҳлил қилиш ҳамда мамлакат рейтингини белгилаб берадиган баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларини таъбиқ этиш бўйича катта ишлар амалга оширилади.

2. Қўйидагилар бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодийни либераллаштиришнинг гоят муҳим вазифалари этиб белгилансин:

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш, бюрократик воғларни тугатиб бориш, рўйхатга олиш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқарттириш ҳамда соддалаштириш, солиқ ва боҳжона маъмуриятчилигини, ҳисоб-китоб ва ҳисобот тизимини тақомиллаштиришга йўналтирилган кўнун ҳужжатларини мукамаллаштириш эвазига мамлакатда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш учун янада қулайроқ шарт-шароитларни яратиш, хусусий мулкчиликнинг иқтисодийни ривожлантиришдаги ҳиссасини ошириш;

бизнесни юритиш шарт-шароитларини баҳолашнинг жаҳон амалиётда умум қабул қилинган халқаро мезонларини кенг жорий этиш ҳамда етакчи халқаро молиявий иқтисодий ва рейтинг ташиқлотларининг юқори баҳо кўрсаткичларига эришиш; ички бозорда рақобатни янада чуқурлаштириш, мулкчилик ва фаолиятни ташкил қилиш шаклларида қатъи назар, барча тадбиркорлик субъектлари учун бизнесни юритишда тенг шароитлар яратиш, бозор таъминотида тенг шароитлар яратиш, бозор таъминоти асосида моддий-хот ашё ва кредит ресурсларидан фойдаланишга, давлат харидларида ҳамда маҳсулотларини сотиш ва пулрат ишларини амалга ошириш борасидаги танлов савдоларида иштирок этишга кенг имкониятлар яратиш бериш;

(Давоми 2-бетда).

### ДОЛЗАРБ МАВЗУ

## МАВСУМГА ҲОЗИРЛИК КЎРИЛМОҚДА

Айни кунларда мамлакатимизнинг барча шаҳар ва кишлоқларида 2012-2013 йилги куз-киш мавсумига ҳозирлик қўрилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республика иқтисодиёти тармоқларини 2012-2013 йил куз-киш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва унинг ижроси бўйича Вазирлар Маҳкамасининг назорат режасидаги тадбирлар бажарилишини таъминлаш мақсадида вилоят ички ишлар бошқармаси ва унинг куйи тизимлари томонидан муайян ишлар ташкиллаштирилмоқда.

Уларни ўз вақтида умумлаштириш ва таҳлил қилиш мақсадида вилоят ИИБ Ёнги хавфсизлиги бошқармасида тезкор штаб ҳамда ички гуруҳлари тузилган. Ҳар бир туман ва маҳаллаларга ёнги хавфсизлиги хизмати ходимлари бириктирилган. Тадбирнинг ўтказишга жалб этилган профилактика инспекторлари, газ ва электр идоралари ходимлари, маҳалла посбонлари, таълим-тарбия ва даволаш муассасалари ходимлари ҳамда жамоатчилик вакиллари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ёнги хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан фуқаролар хонадонлари ва кўп қаватли уйлар, халқ ҳўжалиги масканлари, бозорлар, ётоқхоналар, меҳмонхоналар, овқатланиш ва савдо шохобчалари ҳамда ишлаб чиқариш цехларининг ёнги хавфсизлиги хизмати ходимлари қарши ҳолати мунтазам равишда назоратга олинган.

Текширувлар жараёнида ёнги чикиши хавфи бўлган масканларнинг фаолиятини камчиликлар бартараф этилгунга қадар вақтинчалик тўхтатиш чоралари кўрилмоқда. Носоз ва ёнги чикиш хавфи бўлган газ ва электр қурилмалари ўчирилиб, ёнги хавфсизлиги қоидаларини бузган мансабдор шахс ва фуқаролар маъмурий жавобгарликка тортилмоқда.

Куз-киш даврида иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектлари барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида уларнинг ёнги хавфсизлиги хизмати ходимлари қарши ҳолати тўлиқ текшириб чиқилиб, мониторинг тартиқасида ўрганилмоқда. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида маҳаллий ҳокимликларга, мутасадди идораларга тақдимномалар киритилиб, уларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. Шунингдек, ёнги хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан асосий эътибор Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълими ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликларида қарашли бўлган мактаб, болалар бағчалари, олий

ва ўрта махсус билим юртлири ҳамда даволаш муассасаларидаги иқтисодиёт соҳасидаги кишки мавсумга тайёргарлигини текшириш жараёнида улар ёнги хавфсизлиги талабларига жавоб берадиган ҳолда бўлишига эришиш билан бирга, асосий эътибор иссиқлик тўғри сарфланишига қаратилмоқда.

Вилоят ҳудудидаги халқ ҳўжалиги корхоналари, маҳалла ва уй-жой мулкдорлари ширкатларида ёнги хавфсизлиги бурчаклари ташкил этилган.

Ўтган мавсумда вилоят ИИБ ёнги хавфсизлиги ходимлари, профилактика инспекторлари, газ ва электр тармоқлари корхоналари ва ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларидан иборат 21 та махсус гуруҳ тузилди, улар томонидан рейдлар ўтказилди. Натижада газ тизимига ўзбошимчилик билан ноқонуний уланган 150 га яқин, электр энергиясидан ноқонуний фойдаланаётган 250 дан зиёд ҳолатлар аниқланиб, манбалардан ўчирилди ва ҳужжатлар расмийлаштирилиб, мутасадди идораларга топширилди.

Амалга оширилган ишлар ва мавжуд муаммолар бўйича вилоят ҳокимлигига, "Тошкентгазтаъминот", "Тошкентэлектротармоқлари", "Иссиқлик манбаи" корхоналарига, вилоят Ёнги хавфсизлиги қарши кураш жамиятига ахборотнома ва тақдимномалар киритилди.

Бу йил ҳам асосий эътиборни юқоридаги каби камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш ҳамда олдини олишга қаратмоқдамиз. Қолаверса, ҳозирги кунда аҳоли орасида ёнги хавфсизлиги қоидаларини тарғиб қилиш мақсадида ишчи-хизматчи ва фуқаролар билан учрашувлар ўтказилиб, бу борада эслатма, ва рақад ҳамда плакатлар тарқатилмоқда, мавзую юзасидан оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар уюштирилмоқда.

Абдумажид МУЛЛАЖОНОВ, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи.

### ЭРК СЎЗИНИНГ МАЪНОСИ НИМА?

Оқангрон тумани Телов кишлоғида "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ҳамда ҳудуддаги ҳарбий қисм хизматчилари билан ҳамкорликда давра суҳбати ташкил этилди.

Унда туман фаоллари, маҳалла ахли, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг етакчи мутахассислари иштирок этди.

"Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" мавзусида ўтган тадбирда мустақилликка босиб ўтилган машаққатли йўл эсга олинди. "Ватан", "озодлик", "бахт", "эрк" каби сўзларнинг маъму-моҳиятини аниқлаш, истиқлол тақдим этган ҳурликнинг қадрига етиш кераклиги ҳусусида сўз борди.

Тақдирини ўтказишдан мақсад, - дейди "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши етакчи мутахассиси Фуқрат Соғиндиков. - Ўсиб келётган ёш авлоди Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, урф-одат ва қадриятларимизни ҳурмат қилишга, асраб-авайлашга ўргатишдир.

Ирода МАҚСУД қиз.

### МУҚАДДАС ҚАДАМЖОЛАР



## ДИЛ БОҒЛАНГАН МАНЗИЛЛАР

Ўзингиз яшаб турган вилоят, туман, кишлоқ ёки маҳаллангизнинг 21 йил олдинги ҳолати билан бугунги қиёфасини ҳеч солиштирганмисиз? Мен шу нарсага доим эътибор бераман, қиёслаймиз, таққослайман. Ва ўзим учун

Бугун вилоятимизнинг қай бир гўшасига борманг, ўзгача манзара ва чиройнинг гувоҳи бўласиз. Кишлоқ, маҳаллаларда гузарлар, янги-янги бинолар, турли корхона, муассасалар замонавий кўринишда бунёд этилди, эскилири таъмирланмоқда. 21 йил давомида юртимизда амалга оширилган бундай бунёдкорлик, ободонлашти-

риш ишларини санасангиз адоғига етолмайсиз. Бундай эзгу ишлар бугун ҳам изчил давом этмоқда.

Айниқса, тарихий обидалар, муқаддас қадимжолар, маънавиятимиз сарҳашмасига айланган гўшаларни обод қилиш, боғу бўстонга айлантириш борасидаги кенг қамровли ишлар ҳусусида ҳам кўп

жуда кўп саволларга жавоб топаман. Минг шукрки, мустақиллик бизга чексиз имкониятларни ҳадея этди. Биз учун ёпиқ эшиклар очилди. Динимиз, миллий урф-одатларимиз, қадриятларимиз яна ўзимизга қайтди.

ва ҳўп гапириш мумкин. Бир вақтлар колхоз омборхонаси сифатида фойдаланилган Самарқанддаги Имом Бухорий ҳамда пойтахтдаги Хастинимом мажмуаларининг бугунги қиёфаси, беназир чиройини таърифлашга сўз ожиз. Вилоятимизда ҳам бундай қадимжолар ва зиёратгоҳлар жуда кўп. Бир-

гина Зангиота зиёратгоҳининг бугунги кўриниши киши ақлини шоширади. Бундан уч-тўрт йил илгари ҳам Паркент тоғларининг тепасида жойлашган Али бува зиёратгоҳида бугунгидек салобатли мажмуа барпо этилади, деб ҳеч ким ўйламаганди.

(Давоми 4-бетда).

## САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ ТАҚОМИЛЛАШМОҚДА

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтида "Ўзбекистонда сайлов қонунчилигини тақомиллаштиришнинг долзарб масалалари" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Марказий сайлов комиссияси, Тошкент вилоят сайлов комиссияси, сиёсий партиялар вакил-

лари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ходимлари, ҳуқуқсун олимлар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш Концепцияси"да бу борада белги-ланган устувор вазифалар кенг муҳокама этилди.

Тадбир давомида таъкидланганидек, сайлов-

лар халқнинг хоҳиш-иродасини эркин билдириш, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этишининг асосий шакли ҳисобланади. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда сайлов қонунчилиги ва норма-тив-ҳуқуқий негизи шаклланди.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ЯНАДА ТУБДАН ЯХШИЛАШ ВА ТАДБИРКОРЛИККА ЯНАДА КЕНГ ЭРКИНЛИК БЕРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

статистик, молиявий ва солиқ ҳисоботларини тўқим этишда, солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлашда, рўйхатга олиш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини амалга оширишда, ер майдонларини ажратиб ва муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаишда, шунингдек, тадбиркорлик субъектларини кредитлашда давлат, назорат қилувчи органлар билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги бевосита мулоқотни, бюрократик сансалорлик ва коррупцияни истисно этувчи электрон тизимга, шу жумладан Интернет тармоғига кенг миқёсда ўтишни таъминлаш.

3. 2012 йил 1 августдан бошлаб, 1-иловага мувофиқ, тадбиркорлик фаолияти учун шарт-шароитларни янада яхшилашга йўналтирилган аниқ меъёр ва чора-тадбирлар жорий қилинсин.

Вазирлар Маҳкамаси, Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари, 1-иловада кўрсатилган масъул ижрочилар – вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари 2012 йилнинг 1 августига қадар бўлган муддатда меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларни Фармоннинг ушбу бандига мувофиқ ҳолга келтирсинлар.

4. Қонунчиликни такомиллаштириш ва ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилашга ҳамда тадбиркорликка янада кенг эркинлик беришга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш бўйича 2013-2014 йилларда жорий этиладиган комплекс чора-тадбирлар Дастури 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Масъул ижрочилар – вазирликлар, идоралар, банклар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дастурда назарда тутилган аниқ чора-тадбирларни белгиланган муддатларда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсиналар. Тегишли вазирликлар, идораларнинг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбарлари зиммасига чора-тадбирлар Дастури (Давоми. Боши 1-бетда).

рига киритилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклатилсин. Вазирлар Маҳкамаси 2-иловада назарда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши устидан қаттиқ тизимли назорат ўрнатсин, уларнинг ижросини ҳар чорақда ўз мажлисларида кўриб чиқсин ва чора-тадбирларнинг суъиэъ бажарилиши бўйича зарур чораларни кўрсин.

5. 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ тадбиркорлик субъектлари тегишли давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларида қуйидаги тартиб-таомилларни ўз хоҳишларига кўра электрон шаклда амалга ошириш ҳуқуқига эга бўладилар:

банк ҳисобварақларига масофадан туриб хизмат кўрсатиш тизими, шу жумладан "Интернет-банкнинг" тизими орқали солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки, тижорат банклари;

юкларни божхонада расмийлаштиришда тадбиркорлик субъектлари томонидан товарларни декларация қилиш – Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси;

"Бир ойна" тамойили бўйича юридик шахсларнинг кўмас мулкка бўлган эгаллик ҳуқуқларини рўйхатга олиш – Ўзбекистон Республикаси "Ергеодекадастр" давлат қўмитаси;

тадбиркорлик субъектларининг давво аризалари ва илтимосномаларини ҳўжалик судларига бериш – Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда тадбиркорлик тузилмаларига хизмат кўрсатишнинг

электрон шакллари ва тизимларини жорий этишда юқорида кўрсатилган суд ва давлат бошқаруви органларига, тижорат банкларига амалий ёрдам кўрсатсин.

Тижорат банкларига, тўловларни электрон шаклда амалга оширувчи кичик тадбиркорлик субъектларининг ҳисобварақларига хизмат кўрсатганлик учун ундирилладиган тўлов миқдорини камида 20 фоизга камайтириш тавсия этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банки, Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Миллий телерадиокорпорацияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш ва хўсусий тадбиркорлик учун янада кенг эркинлик бериш борасида қўрилаётган чора-тадбирлар юзасидан кенг кўламадаги тушунтириш ишлари мунтазам равишда ўтказилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Марказий банки ҳамда бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда икки ой муддатда қўнун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар киритилишини таъминласин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2012 йил 18 июль.

БАНДЛИК



ИШ ИЗЛАГАНГА ИМКОНИЯТ КЕНГ

Бугун мамлакатимизда аҳоли бандлиги, фуқароларни иш билан таъминлаш масалаларига муҳим устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Аиниқса, касб-хўнар коллежлари битирувчиларини ўз йўналишларидан келиб чиқиб, ишга жойлаштириш орқали кўпбаланд ижтимоий-иқтисодий муаммоларга барҳам берилмоқда.

Доимий иш жойларини ташкил этиш билан бир қаторда вақтинчалик, бир маргалик ишлар орқали ҳам ақсарият аҳолининг бандлиги қамраб олинмоқда.

Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган бўлиб, унга кўра барча вилоятларнинг шаҳар ва туманларида вақтинчалик ва бир маргалик ишларни ташкил этиш марказлари фаолиятини йўлга қўйиш назарда тутилган.

Зангиота тумани Келес шаҳрида ана шундай марказларнинг дастлабкиси иш бошлади. Марказнинг асосий мақсади туманда меҳнат бозорини тўғри ташкил этиш, ҳар қандай фаолият турини қўнийлигини таъминлаш ва энг асосийси иш билан банд бўлган аҳолининг ҳуқуқ ва

орқали иш топиши мумкин. Бироқ, мазкур гувоҳнома ўша шахсга доимий рўйхатга олиниши ёки доимий ишга жойлаштириш ҳуқуқини бермайди.

Ишловчи ҳақидаги маълумотларнинг марказда жамланиши, улар ўртасида содир этилиши мумкин бўлган ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олишда муҳим роль ўйнайди, – дейди ички ишлар нозирини Равшан Мадаминов. – Қолаверса, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда марказ фаолияти аиниқса, аҳамиятлидир. Айтилиши, ишчи ва иш берувчи ўртасида қандайдир келишмовчилик юзага келса, иш ҳақини ўз вақтида ололмаसा, ана шундай вазиятларда марказ мутасаддилари муаммони ҳал этадилар.

Шунинг учун ҳам бу ерда бешта рўйхатга олиш китоби тутилган, – дейди пировардида Камолитдин Йўлдошев. – Биринчи ишчилар доимий рўйхатга олинса, иккинчисида иш

берувчи ҳақидаги маълумотлар йиғилади. Қолганларида ҳам икки тараф ҳақидаги бошқа маълумотлар ёзиб борилади.

Марказнинг очилиш тадбирида вилоят шаҳар ва туман ҳокимларининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосарлари, ички ишлар ходимлари ва бошқа аҳоли бандлигини таъминлаш билан боғлиқ муассаса ва ташкилотлар мутасаддилари иштирок этиб, ташкилий масалалар билан яқиндан танишдилар. Бундай марказларни бошқа ҳудудларда ҳам ташкил этишга келишиб олинди.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосарлари Соҳиб Абдуллаев ва Алимардон Қаршиев иштирок этди. Равшан ЁҚУБЖОНОВ, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири. СУРАТАРАА: марказ фаолиятдан лавҳалар. Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Жумладан, бу Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғ-

омилга айланган. Тадбир иштирокчилари мамлакатимизда сайлов жараёнини янада демократлаштириш, бу борадаги қўнунчилик, хўсусан, "Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғ-

да сўнги йиллар давомида парламент ва Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ўтказилган сайловлар натижасида қўлга киритилган тажрибани чуқур ўрганиш, таҳлил қилиш ва фойдаланиш заруратига тўхталиб ўтилди.

Анжуманда "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш Концепцияси"да давлатимиз раҳбари томонидан сайлов қўнунчилигини такомиллаштириш бўйича илгари сурилган ташаббусларни кенг тушунтириш Марказий сайлов комиссияси ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг ўрни катта эканлиги қайд этилди.

Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, сайлов қўнунчилигининг турли жиҳатлари юзасидан тажриба ва ахборот алмашиш борасида биргаликда амалга оширилаётган ишларни давом эттириш мақсадаги мувофиқлиги таъкидланди.

Тадбир иштирокчилари сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қўнунчилигини такомиллаштиришга доир норматив ҳуқуқий-ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш жараёнига депутатлик корпусини, сиёсий партиялар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари шу каби тадбирлар ўтказишига кенг жалб этишга эътибор қаратди.

Равшан НЕҒМАТОВ, Собир ЗУФАРОВ.



рисида"ги қўнунлари ва бошқа қўнун ҳужжатлари, уларда сайлов ва ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш принциплари, фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари мустаҳкамлаб қўйилган.

Мамлакатимизда сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш мутлақ ваколатларига эга Марказий сайлов комиссияси бошчилигида сайлов комиссияларининг ахил мустақил тизими амал қилади. Сайлов тизими фуқароларнинг, аиниқса, ёшларнинг сиёсий ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда муҳим

(Давоми. Боши 1-бетда).

ЮРТ КЎРКИ

ЯНГИБОЗОРНИНГ ЯНГИ БОЗОРИ

Ривоят қилишларича, бир ёш шахзода узоқ мамлакатларга сафар қиладиган бўлибди-ю, пири устозидан сўради:

– Саёхат чоғи эл-юртнинг танимоқ учун нималарга эътибор қилай, устоз?

– Дунёнинг қайси бир мамлакатига борсанг, ўша юртнинг уч жиҳатига эътибор бер! – дебди устози. – Даставвал мазорини, кейин бозорини, сўнги эл-улусининг муомала-муноса-

батини кузат. Мазорини зиярат қилганинда ўша жой, ўша мамлакат одамлари авлод-аждодлари ва қадриятларини қанчалик эъзозлашини билиб оласан. Бозорларини айлансанг, тирикчилигини, турмуш тарзи ва кайфиятини сезасан. Муомала-муносабатини кузатсанг – одамларнинг хулқу одоби ва бир-бирини меҳр-оқибати қанчалик эканини ўрганиб оласан!

Сўнги икки йилда туманда мисли кўрилмаган бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Биргина Янгибозор қўрғонига бир пайтлар режасиз қурилган қинғир-қийшқиб, бинолар олиб ташланиб, кўчалар кенгайтирилди. Йўл четларига ёритгич чироқлари ўрнатилди. Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган машина тўхташ жойлари олиб ташланиб, улар ўрни гулзор ва хиёбонларга айлантилди. Кўчалар четидида режасиз, берухсат қурилган дўконча ва

бинолар тартибга келтирилди. Бундан ташқари, кўрғондаги бозорини қайта қуриш, таъмирлаш бўйича туман ҳокимининг қарори қабул қилинди. Бу ишлар учун 300 миллион сўм кредит ажратилди. Шунингдек, бозор ҳудудида фаолият юритаётган тадбиркорлар 690 миллион сўм молиявий ёрдам берилди. Вилоят бозорлар уюшмаси ҳам янги савдо ўринлари яратиш учун 54,5 миллион сўм маблағ ажратди.

Паркент туманидаги "Металл қуриш сервис", "Меъмор", "Баркамол Савдо Бахт" хўсусий корхоналари, Тошкент шаҳридаги "Юкслиш барака улғуржи савдо"

МЧЖлар бозорини қуриш, қайта тиклаш, ободонлаштириш учун муносиб ҳисса қўшди. Бу ерда эски 200 ўринли расаталар замонавий тарзда қайта қурилиб, улар сони 298 тага етказилди. 55 та турғун савдо шохчаси бунёд этилди.

Бозордаги яратилган шарт-шароитлар ва имкониятлардан жуда хурсандми, – дейди қишлоқ ҳўжалик махсусотлари билан савдо қилувчи дехқонлардан бири. – Илгари ўз махсусотларимизни ерда, кўчада сотишга мажбур бўлардик. Пештахталар сони кўпайган, бундай ноқулайликлар бартараф этилди. Тўхтамурод ТОШЕВ.

ҚИШЛОҚ МУЛҚДОРЛАРИ



ТИЛЁРАР МЕВАЛАР МАКОНИ

Паркент азалдан боғбонлар юрти. Олмаю анори, шафтолию ноклари, айниқса, тилёра узумини татиб кўрмаган одам бўлмаска керак. Шунинг учун бу жойларни жаннатмакон, дея таърифлашлари ҳам бежиз эмас.

"Хисарак-Тоживой-Аваз" фермер ҳўжалиги боғлари ҳам бугун ана шундай таърифга лойик. Фермер Аваз Дўстов 9 гектар ерда гилос, олма, нокдан иборат боғ ва тоқзорни парваришмоқда. Уларнинг ташкил этиганига

ички бозорларимизга чиқаяпти.

Банкдан кредит олишни мўлжаллаямиз Унга ўзимизда етиштирилаётган меваларни қайта ишловчи цех очиш ниятимиз бор. Бундан ташқари, техникадан сафтини кенгайтироқчимиз

СУРАТАДА: фермер Аваз Дўстов ўғли Азизбек билан ҳосил чўғидан мамнун.

Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

МУНОСАБАТ

ВИЖДОН АМРИ БИЛАН ИШЛАШ – БУРЧИМИЗ

Маҳаллаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институтининг самарали фаолият кўрсатиши учун барча зорур шароитларни яратиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да маҳаллани фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири сифатида такомиллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар белгиланган. Бунинг самарасида маҳалла аҳолини аниқ манзилли асосда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хўсусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айланмоқда, унинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб беришдаги иштироки янада кенгаймоқда.

Бу жиҳатлар "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида ҳам ўз ифодасини топган. Унга мувофиқ, маҳаллаларда жамиятимизнинг маънавий негизларини янада мустаҳкамлаш, миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, юксак маънавий муҳитни қарор топтириш, миллий менталитетимизга ёт турли таъсирларга қарши туришда оиланинг ўрни ва аҳамиятини оширишга қаратилган салмоқли ишлар бажарилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 9 июлда қабул қилинган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони маҳалла институтини қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш борасидаги эътиборнинг яна бир юксак намунаси бўлди. Зеро, ушбу соҳада хизмат қиладиган одамларнинг бутун диққат-эътибори оилалар мустаҳкамлигини, жамиятда тинчлик ва оқилолликни таъминлашга қаратилгандир.

Уч мингдан зиёд аҳоли истикомат қиладиган бизнинг маҳалламизда ҳам ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини сақлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий ва умумбашарий

қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишлари доимий эътибор марказида турлади. Барча бир оила фарзандларидек ахил-иноқ яшайдиган ҳудудимизда кимки бирон-бир иш бошламоқчи ёки тўй-маърака ўтказмоқчи бўлса, аввало, маҳалла фаоллари билан маслаҳат қилади.

Ун йилдан буён шу маҳаллада диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи бўлиб ишлайман. Маҳалла тинчлиги, юрт осойишталигини сақлашга қўнунлиқ вазифани деб эмас, балки виждон амри, фуқаролик бурчи сифатида ёндашаман.

Таълим, тиббиёт муассасалари, ҳуқуқ-тартиб идоралари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда маҳалламизда турмуш маданиятини юксалтириш, аҳолининг тиббий, ҳуқуқий, экологик билимларини мустаҳкамлаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш юзасидан қўллаб-қувватлаш ишлар амалга оширилмоқда.

Хўсусан, Мустаҳкам оила йили муносабати билан аҳоли, айниқса, ёш оилалар ўртасида жорий йилги Давлат дастурининг мақсад ва вазифалари, оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган эътиборнинг аҳамияти ҳақида тушунтириш ишлари олиб бормоқдамиз. Давлатимиз раҳбарининг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид фармони биз учун ишонч ва рағбат намунаси бўлиб, зиммамизга катта масъулият юклайди. Ушбу гамхўрликка жавобан оилалар тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлида борлигимизни бағишлаб меҳнат қилиш бурчимиздир. Васила МАХМУДОВА, Қўбрай тумани "Нурафшон" маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси. (ЎЗА).

# ҲАРАКАТ – КУЧЛИ ОМИЛ

Ангрен шаҳрида Халқ депутатлари вилоят кенгашидаги ҲахДП гуруҳи билан Кенгаш Саноат, қурилиш, транспорт, коммунал хўжалиги, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссиясининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлари, вилоят ҳокимлиги бошқармаларининг раҳбарлари иштирок этишди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ҳисобига янги иш ўринлари яратиш масалалари қўриб чиқилди. Иштирокчилар "Ангрен" махсус индустриал зонасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар, Халқ депутатлари вилоят кенгашидаги партия гуруҳининг соҳани ривожлантириш орқали аҳоли бандлик даражасини ошириш борасида амалга ошираётган чора-тадбирлари ҳақидаги маърузаларни тинглади. Вилоят транспорт департаменти бошлиги Сайфуддин Сирожиiddин ва тегишли бошқармалар раҳбарлари соҳадаги ишларнинг боришига доир ахборотлар билан чиқишди. Банк муассасалари ходимлари қўшма мажлис қатнашчиларининг бир қатор саволларига жавоб беришди.

Уз хусусий тадбиркорлик фаолиятини бошлашга киришаётган ёки аҳолига маънавий хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш лойиҳалари маъқулланган ишбилармонлардан 22 кишига имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди. Улар орасида автомобилларни таъ-

мирлаш, тикувчилик, хунар-мандчилик ва бошқа маънавий хизмат устaxonалари ташкил этиш, хусусий фирмалар айланима маблағларини қўлай-тириш мақсадлари учун "Микрокредитбанк"нинг вилоят бўлими сертификатларини олган Бекпўлат Жўраев, Эркин Болтабоев, Обид-хўжа Хидоятос, Нилуфар Қўшматов ва сингари 11 тадбиркор ҳам бор.

– Мен қурилишда керак бўладиган ёғоч ва металл қисмларни ишлаб чиқаришни кенгайтироқчиман, – дейди "Зулфия" хусусий фирмаси раҳбари Мирназар Авходиев. – Миллий банкдан оладиган кредит маблағини шу лойиҳани амалга оширишга сарфлайман.

"Сервис Бак Барак" хусусий корхонаси раҳбари Муқаддас Рўзметова эса Халқ банки сертификатини қўлга киритди. У наон нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш, улар билан савдо қилишни кенгайтириш ниятида.

Шу йилнинг ўзида иқтисодий жиҳатдан фаол ва ижтимоий иқтисодий чекланган 38 киши имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатларга эга бўлди. **Жўраев МУРОДОВ.**

## ИСТИҚЛОЛ ИНШОТЛАРИ



# ИСТИРОҲАТ БОҒИ ЯНГИ ҚИЁФАДА

Вилоятимиз шаҳар ва туманларида бунёдкорлик, ободлаштириш ишлари жадал давом этяпти. Бўстонлик тумани Газаалкент шаҳрида Маданият ва истироҳат боғи қурилиш бошлаб юборилди. Ушбу бунёдкорлик ишларини "Чорвоқ"ЭСКурилиш" шўба корхонаси амалга оширмақда. 4 гектар майдонни эгалла-

ган боғда 500 ўринли анфитрат, кафе, 5 та фавора, турли хил аттракционлар, болалар ва катталар учун ёғиқчи сув ҳавзаси ва ҳайвонот боғи жойлашади. Боғ соя-

салқин бўлиши учун мингдан ортиқ турли дарат қўчатлари, турфа хил гуллар экилади. **Юдузхон МУХИДДИНОВА,** "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

**СУРАТА:** (ўнган чапга) Дилмурод Абдулқалимов иш юритувчи Авазхон Жўраев билан. **Даврон АҲМАД** олган сурат.

# КЎРГАЗМА ЯКУНЛАРИГА БАФИШЛАНДИ

Тошкентда қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг "Uzbekistan Agrominotech Expo – 2012" халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдоси якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Аъёнвий тарзда ўтказиб келинаётган маъзур кўргазма-савдо қишлоқ хўжалиги соҳасига замонавий минитехнологияларни кенг жалб қилиш ҳисобига маҳсулотлар турини қўлай-тириш, модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2006 йил 24 августда қабул қилинган "Қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини ўтказишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуриямал бўлаётди.

2006-2011 йиллар давомида ўтказилган "Uzbekistan Agrominotech Expo" мини-технологиялар ва ихчам

ускуналар кўргазма-савдоларида дунёнинг қирқдан ортиқ мамлакатидан юзлаб компаниялар иштирок этди. Кўргазмалар доирасида деҳқон ва фермер хўжалиқлари, агрофирмалар, кичик корхоналарда қурилиш, консервланган мева-сабзавот, томат пастаси, гўшт-сут, нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бунинг самарасида 324 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиди, қарийб саккиз минг янги иш ўрни яратилди.

Жорий йилнинг 28-31 май кунлари "Ўзэкспомарказ"да ўтказилган навбатдаги кўргазма-савдода йилгиримдан ортиқ давлатдан минитехнология ва ихчам ускуналар ишлаб чиқарувчи юздан зиёд компания иштирок этди. Унда мева-

сабзавот, гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш, ун ва комбикорм ишлаб чиқариш бўйича минитехнологиялар, боғдорчилик ва узумчилик учун ихчам ускуналар, қадоклаш, чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантириш, терига ишлов бериш, иссиқхона хўжалиқларини ташкил этиш жиҳозлари, усимликларни кимёвий ҳимоя қилиш ҳамда ветеринария воситалари намойиш этилди.

Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари Б. Абдусаматовнинг таъкидлашича, ўн мингдан зиёд фермер хўжалиқлари, агрофирмалар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этган кўргазмада 79,9 миллиард сўмлик шартнома ва келишувлар имзоланган. Улар келгусида ўз самарасини бериши шубҳасиздир. **Сайёра ШОЕВА,** **Ўза** муҳбири.

## ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ

# ЛОҚАЙДЛИК КУЛФАТ КЕЛТИРАДИ

Давлат ёнгин хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан шаҳар ва туманларимизда ёнгин чиқиши натижасида одамларга зарар етишининг олдини олиш чоралари кучайтирилди. Халқ хўжалигининг турли тармоқлари, шунингдек, билим юртилари, мактаб, боғча ва аҳоли турар joyларида режалли текширувлар ўтказилмоқда. Фуқаролар билан учрашувлар, суҳбатлар уюштирилиб, радио, телевидение ва рўзномалар орқали тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

Афсуски, шунга қарамай, бепарволик, масъулиятсизлик, хавфсизлик қондаларига амал қилмаслик туфайли ёнгинлар содир бўлмоқда. Вилоятимизда олти ойда 674 та ёнгин содир бўлди. Уларнинг 441 таси фуқароларнинг турар joyларида юз берди. 17 нафар фуқаро ҳалок бўлди, 32 нафари турли жароҳатлар олишди. Этказилган моддий зарар 1 миллиард 50 миллион сўмга етди.

Айниқса, Олмалик, Ангрен, Бекобод, Чирчик шаҳарлари, Охангарон, Бўжа, Зангиота, Қибрай, Урта Чирчик, Қуйи Чирчик ва Янгийўл туманларидаги ёнгинлар инсонлар ҳаётига зомин бўлди.

Ёнгинларнинг 28,2 фоизи электр ускуналарнинг носозлиги ва улардан фойдаланишда хавфсизлик қондаларига риоя қилмаслик, 28,8 фоизи оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, 25,8 фоизи пень ва газ ускуналарнинг носозлиги ва 8,2 фоизи ёш болалар олов билан уйнашлари оқибатида содир бўлган.

Зангиота тумани, Назар-

бек қишлоқ фуқаролар йиғини, Бирлик кўчаси 7-уйда яшовчи фуқаро М. Зукорова, Қибрай тумани Салар шаҳарчасидаги "Гулистон" маҳалласи, Довултепа кўчасидаги 2-уйда яшовчи фуқаро Б. Болтаўжаевнинг уйда электр ускуналаридан нотўғри фойдаланиш натижасида ёнгин содир бўлиб, уй ва жиҳозлар ёнган. Бундан уй эгалари катта моддий зарар кўрди.

Халқимиз мулкни, инсонлар ҳаётини ёнгиндан асраш – ҳаммамизнинг бурчимиздир. Бу шунга кенг жамоатчилик диққат-этиборни кучайтурса, ёнгин камаяди. Буни учун хавфсизлик қондаларига тўлиқ риоя қилиб, зарур чора-тадбирларни қўриш, текширишлар мобайнида аниқланган барча камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш лозим.

Ўз балосига учрамаслик учун ҳаммиша хушёр бўлайлик, хавфсизлик қондаларига амал қилайлик!

**Фарҳаддин АБДУМВЛОНОВ,** **Вилоят ИИБ ЕХБ** катта муҳандиси.

## Пойтахтимизнинг Маданият қарвонсаройида ўзбек миллий матолар атлас ва адрасдан япон усталари томонидан тайёрланган маҳсулотлар кўргазмаси намойиш этилмоқда. Кўргазма 31 июлгача давом этади.

# МИЛЛИЙ МАТОЛАР ЖОЗИБАСИ

Кўргазмадан ўрин олган барча замонавий буюмлар ипак тола ватани Фарғона водийсига ишлаб чиқарилган гўзал матолардан тайёрланганлиги билан аҳамиятлидир. Тадбир Япония халқаро алоқалар агентлиги ҳамда Токио қишлоқ хўжалиги ва технологиялари университетини ҳамкорлигида амалга оширилган "Ипак етиштириш билан шуғулланувчи фарғоналик фермерлар даромадини ошириш" лойиҳаси доирасида ташкил этилган.

Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси биринчи котиби Цуёши Курихара таъкидлаганидек, ўзбек миллий матоларидан япон усталари тайёрлаган амалий санъат намуналаридан ташкил топган маъзур кўргазма Япония ва Ўзбекистон ўртасида дипломатик алоқаларнинг 20 йиллигига бағишланган.

"Туркистон-пресс".

## «AGRO SANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ очик аукцион савдосига таклиф этади!

Бошлангич нархи босқичма-босқич олиб бериш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қуйидаги мол-мулклар қўйилган:

1. Миробод туман СИБ томонидан 09.07.2012 йилдаги 24510/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Nimuzmatika" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2008 йилда и/ч., дав. бел. 01 L 221 FA бўлган "Мерседес Бенц S 350" русумли автотранспорт воситаси.

| № | Мол-мулк тури                          | Мол-мулк асосий хусусиятлари ва тавсифи   | Бошлангич нархи (сўм) | Манзили  |
|---|--|---|-----------------------|--|
| 1 | Пластмасса труба ишлаб чиқариш линияси | 1-дона комплект, 77 қисмдан иборат, Жанубий Кореянинг "Plama Worldwide Service" компаниясида ишлаб чиқарилган | 1 777 530 228         | Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Корасарой кўчаси, 269-уй. |

Аукцион савдолари 2012 йил 21 август кун соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уйда ўтказилади. Талабдорлар таъкидлаганидек, Ўзбек миллий матоларидан япон усталари тайёрлаган амалий санъат намуналаридан ташкил топган маъзур кўргазма Япония ва Ўзбекистон ўртасида дипломатик алоқаларнинг 20 йиллигига бағишланган.

Ушбу аукцион савдоларида катнашиш учун талабдорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "Агро саноат мулк маркази" МЧЖнинг ОАТБ "Капиталбанк" Мирзо Улугбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашдан тақриб 2020800804948004002, МФО 01018, СТИР 302159464. Савдога қўйилган мулклар билан талабдорлар текшири-

# ОГОҲЛИК ВА ОЗОДАЛИК – САЛОМАТЛИК ОМИЛИ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қўра, сайёрамизда хавфли юқумли касалликлар бўйича мураккаб эпизоотик-эпидемиологик вазият сақланиб қолмоқда. Жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида баъзи хорижий мамлакатларда ҳайвонлар ва одамлар учун ўта хавфли куйдирги касаллигига чалиниш билан боғлиқ ҳолатлар қайд этилган.

Дунёнинг катталар давлатларида, жумладан, бизга қўшни мамлакатларда ҳам бундай эпизоотик мураккабликларнинг юзага келаётгани юртимиз ҳудудига четдан юқумли касалликлар кириб келишининг олдини олиш, аҳоли саломатлигини муҳофазалаш, тиббий-профилактика тадбирлари қўламини янада кенгайтиришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, Давлат бош санитария вақили Сайдумурод САЙДАЛИЕВ ушбу йўналишда амалга оширилган ишлар ҳусусида қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мамлакатимизда санитария-эпидемиология муҳити барқарорлигини сақлаш, хавфли юқумли касалликлар кириб келишининг олдини олиш, аҳоли саломатлигини муҳофазалаш тиббий-ижтимоий ислохотларининг устувор йўналиши этиб белгиланган, – деди С. Сайдалиев. – Бу борада тегишли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, шу асосда ишчи ишлар олиб борилаётди. Айни пайтда дунёнинг қўлпўл худудларида, жумладан, бизга қўшни айрим мамлакатларда юзага келган мураккаб эпизоотик-эпидемиологик вазият инобатга олиниб, ушбу йўналишдаги чора-тадбирлар янада кучайтирилмоқда.

Жойлардаги санитария назорати постлари фаолиятини тақомиллаштириш, қушхоналар, дўконлар ҳамда бозорларда гўшт маҳсулотлари сифатини қатъий

назоратга олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айтиш жоизки, куйдирги одамга маъзур касалликка чалинган ҳайвонларни парваришлаш, сўйиш, етарлича термик ишлов берилмаган гўштни истеъмол қилиш орқали юқадди. Бунинг олдини олиш учун чорва молларини қушхоналарда, махсус жиҳозланган майдончаларда ветеринар врач назорати остида сўйиш ва истеъмолчига етиб боргунча бўлган жараёнда махсулот сифатини назорат қилиш ишлари тизимли равишда ташкил этилмоқда.

Бозорларимиздаги гўшт расталари санитария-гигиена талаблари даражасида жиҳозланмоқда. Бозорлар ва гўшт дўконларига сифатли махсулот етказиб беришни йўлга қўйиш мақсадида, жойларда янги қушхоналар фойдаланишга топшириляпти.

Куйдирги ҳайвонларга хос касаллик ҳисобланади. Шу боис профилактика ишларини, аввало ҳайвонлар ўртасида амалга ошириш лозим. Ана шу мақсадда юртимизда эмлаш воситалари захирасини яратиш ва касалликка мойил чорва молларини эмлаш кенг йўлга қўйилган.

Одамлар ўртасида касаллик тарқалишининг олдини олиш мақсадида, ҳозиргача олти минг нафардан зиёд инфекция юқиб хавфи юқори бўлган чўпонлар, қасосболар, ветеринария соҳаси ходимлари эмланди.

Чегара худудларида фаолият юритаётган санитария назорати пунктларида четдан кириб келаётган хорижий фуқаролар ва юртдош-

ларимиз тиббий кўриқдан ўтказилмоқда. Тиббиёт ходимларининг билим ва маънавияти янада ошириш мақсадида жойларда ўқув-услубий тадбирлар, амалий машғулотлар, семинар-тренинглари ташкил этилмоқда. Бу жараёнда касалликнинг этиологияси, эпидемиологияси, диагностикаси, клиникаси, профилактикаси ва даволашининг самарали усуллари юзасидан тажриба алмашилмоқда.

Мамлакатимизда эпидемиологик-эпизоотик муҳитни барқарор сақлашнинг яна бир муҳим шарт аҳоли ўртасида доимий тушунтириш ишларини олиб боришдир. Бундай тадбирларни ташкил этишда шифокорларга тегишли давлат ва жамоат тузилмалари вакиллари яқиндан ёрдам берилмоқда. Кенг аҳоли иштирокда ўтказиляётган тадбирларда юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш усуллари, профилактика чора-тадбирлари, хонадонларда чорва молларини боқиш, улар касалланганда парваришлаш қоидалари, бозорлар, савдо мажмуалари, дўконлардан гўшт харид этиш ва ундан таом тайёрлашнинг санитария-гигиена меъёрилари юзасидан кенг тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

Бундай изчил тадбирлар мамлакатимизда хавфли юқумли касалликлар, жумладан, куйдирги касаллиги бўйича эпизоотик ва эпизоотик вазиятни барқарор сақлашга хизмат қилмоқда. Бу борадаги тадбирларда фаол иштирок этиш, қўндалик ҳаётимизда тозалик, санитария-гигиена қоидаларига тўла риоя қилиш, ҳаммиша огоҳ ва хушёр бўлиш орқали ўзимиз ва атрофимиздагиларнинг саломатлигини муҳофазалашга муносиб улуш қўшиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

**Ўза** муҳбири **Баҳор ХИДИРОВА** ёзиб олди.

# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧОРВА ОВУҚА БОШ БИРЛАШМАСИ

Тошкент вилояти ҳудудларига омухта ем, шрот ва шелуха маҳсулотларини марказлашган ҳолда етказиб бериш бўйича автотранспорт корхоналари ўртасида

## ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Тендернинг асосий шартларидан бири – ташкиллаган омухта ем, шрот ва шелуханинг масофасидан қатъий назар, вилоят бўйича ҳар бир тонна учун сарфланадиган транспорт харажати бир хил бўлишини таъминлаш. Тендер иштирокчилари ишчи органга ҳар кун соат 10.00 дан 12.00 гача (шанба ва расмиётдан ташқари) хужжатларни расмийлаштириш ҳамда тендерга оид қўшимча маълумотлар олиш масаласида мудиат якунлангунга қадар муурожаат этишлари мумкин. Тендер таклифлари ва пакет хужжатлари ишчи орган томонидан 2012 йил 20 августга қадар қабул қилинади.

Манзили: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Иссиқхона комбинати, 1-уй. Телефон: 290-56-61.

| № | Мол-мулк тури                          | Мол-мулк асосий хусусиятлари ва тавсифи   | Бошлангич нархи (сўм) | Манзили  |
|---|--|---|-----------------------|--|
| 1 | Пластмасса труба ишлаб чиқариш линияси | 1-дона комплект, 77 қисмдан иборат, Жанубий Кореянинг "Plama Worldwide Service" компаниясида ишлаб чиқарилган | 1 777 530 228         | Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Корасарой кўчаси, 269-уй. |

Бошлангич нархи – 207 000 000 сўм. 3. Чилонзор туман СИБ томонидан 09.12.2011 йилдаги 10-1104/17446-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Юнусобод тумани Наманган кўчаси, 70-уйда сақланаётган, 2011 йилда и/ч., дав. бел. 01 971 КВА бўлган "НОВО SINOTRUCK" русумли автотранспорт воситалари қўйилмоқда. Бошлангич нархи – 108 000 000 сўм.

4. Олмазор туман СИБ томонидан Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 11.06.2012 йилдаги 10-1109/18376-сонли ижро варақасига асосан хатланган, қуйидаги мол-мулклар қўйилган:

Чилонзор тумани ТСРҲИ томонидан 2010 йил 27 августда 006249-08 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "РОЗЕТТА" МЧЖ (ИНН 204930149) **ТУГАТИЛАДИ** (2012 йил 18 июлдаги 3-Баённомасига асосан). Давволар эълон қилқан кундан бошлаб икки ой давомида қабул қилинади. Тел.: 633-31-00.

МУҚАДДАС ҚАДАМЖОЛАР



юртимиздаги муқаддас жойлар қатори бу ер ҳам эътибордан четда қолди. Одамлар тупроқ кечиб, тоғ тепасига минг азоблар билан чиқиб, зиёрат қилишарди. Зиёратчилар учун бирор шароит, қулайлик яратилмаган эди.

Шу ерлик қария Тошбуви янинг ҳикоясига қараганда, ушбу қадамжол ислом оламида Валий даражасига кўтарилган ҳазрат Али билан боғлиқ экан. Ривоятга кўра, Пайғамбар алайҳиссаломнинг куёвлари ҳазрат Али шерюрак ва алпокат киши бўлган. У мусулмонлар яшайдиган ҳудудлардаги босқинлардан диндошларини ҳимоя қилган. Хитой босқинидан азият чеккан аҳолини ҳимоя қилиш учун Яратганнинг изни билан ҳазрат Али мўъжизавий тарзда бу ерга етиб келади.

ДИЛ БОҒЛАНГАН МАНЗИЛАЛАР



қоронғу. Аммо, унда тилга олинган азим чинор ва беш бўлоқ бугунгача яшаб келяпти. Кишилар бу ерга

этибор туйғайи янгидан чирой очди. Пастдан то зиёратгоҳга Чанги қишлоғи ўртасидан ўтиб борувчи йўлнинг икки тарафи девор билан ўралиб, асфальтланди. Қарий беш юз метр масофага мрамардан зинапоя ётқизилди, махсус ёритиш чироклари ўрнатилди.

BOLALIK BO'GI

ZARG'ALDOQ

Shokir uyg'onsa, tokchada ikkita zarg'aldoq shaftoli turardi. Bittasini qo'lga olib tomosha qildi. Olovrang zarg'aldoqlar xonani yoritgandek eddi.

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

Бекободнинг Саврак қишлоғида 4 минг 92 квадрат метр йўлни таъмирлаб, асфальт ётқизишга қарор қилинди. Бу ишни бажарувчи куриллиш-таъмирлаш корхонаси учун ҳоким ўринбосари Ҳамид Абдушукуров раислигида казо-казо амалдорлардан иборат танлов комиссияси тuzилди. У бор-йўғи 950 метр узунликдаги бу ички йўлни таъмирлашга жазм қилган "Садақайрағоч" маъсулияти чекланган жамияти, "Саноат фуқаро курувчиси" ва "Илҳом замин" хусусий корхоналари раҳбарларининг дастурларини кўриб чиқди.

АРЗОН БЕИЛЛАТ БЎЛМАС

лов унга жўровоқ бўлиб Бекобод туманидаги асфальт заводи 2010 йили умуман ишламаганини, асфальтнинг белгиланганидан анча оқори нарҳда олиб, олисдан ташиб келтириш қимматга тушганини, бу ҳол бажарилган ишлар тангарани кескин ошириб юборганини таққорлашдан чарчамасди.

БИЛАСИЗМИ?

Олимпиаданинг раъсий тангалари

Лондонда 2012 йилги ёғи Олимпиадага бағишлаб қимматбаҳо металллардан тайёрланган тангаларнинг навбатдаги серияси ишлаб чиқарилди. Олимпиаданга тайёрланган энг катта танганинг оғирлиги бир килограммдан иборат. Харбарларга қараганда, машур инглиз ҳайкалтароши Энтони Каро томонидан лойихалаштирилган ушбу танга юз минг фунт стерлингда баҳоланмоқда. Унинг бир томонида бокс қўлқоплари, штанга ва футбол тўпи тасвирланган. Иккинчи томонида эса Буюк Британия Киролини Елизавета Иккинчининг тасвири туширилган.

Кўзини асран

Англиялик олимлар олиб борган тадқиқот натижасида қуёшдан муҳофазаловчи арзон ва сифатли кўзойнақлар соғлиққа салбий таъсир кўрсатиши аниқланди. Маълумотларга кўра, бундай кўзойнақларнинг линзалари остидан нар бир хилда ўтмайди, улар ультрафиолет нурларидан ҳам ҳимоя қила олмайди. Бундай ҳолат қуёш қобилятига салбий таъсир кўрсатиб, астигматизм хасталигига олиб келиши мумкин.

Роботлаштирилган қўл

Калифорниялик олимлар роботлаштирилган қўл ишлаб чиқардилар. ПАТА-ТАСС мухбирининг хабар беришича, унинг бармоқлари турли объектларни сезиш имконига эга. Предметларни аниқлаш учун унга минглаб микродатчиклар ўрнатилган. Қурилма нафақат буюмларни бир-бирдан фарқлайди, балки уларнинг шаклини ҳам айтиб бера олади. Мутахассисларнинг айтишича, юмшоқ ва эгилувчан махсус сунъий теридан тайёрланган ушбу механик бармоқлар объектнинг ҳароратини ҳам аниқлаши мумкин. Ушбу янги ускунадан соғлиқни сақлаш, қурилиш ва ахборот технологиялари соҳаларида фойдаланиш кўзда тутилмоқда.

МУҚАРРАР

Туман коммунал фойдаланиш бошқармаси бошлиғи ўрмон Жонибеков билан "Садақайрағоч" раҳбари Аҳмаджон Имомов пудрат шартномасини имзолашди. Йўлни сошлаш бошланди. 2010 йил 27 май, 26 июнь, 27 август ва 26 октябрь кунлари бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномалари имзоланди. Уларга ижрочи корхона раҳбари Имомов билан буюртмачи ташкилот раҳбари Жонибеков жимжимдор имзо қўйишди. Буни қарангки, Янгиқишлоқ маҳалласидаги бу йўл бюджетга бор-йўғи 32,5 миллион сўмга тушди. Танловнинг бошқа даъвогарлари кўрсатган харажатлар микдоридан деярли 40 миллион сўм (!) деярли қолинди.

МУХБИРИ

Судда туман коммунал фойдаланиш бошқармаси бошлиғи ўрмон Жонибеков ҳам обдон талмовсиради. У гоҳ танлов ишини ташкиллаштириши билмаслигини, талабгорларни тақлиф этиш тартибидан хабарсизлигини айтиб, ўзини гўлликка солса, гоҳ яна кимлар танлов комиссиясига аъзо бўлганини эслади олимпиада деб, анқовсиради. Лекин "Садақайрағоч" раҳбарларининг мақтовини ўрнига қўйди. Бу ташкилотнинг моддий-техник базаси пухта, 2009 йил



ТАКОМИЛНИНГ ЧЕКИ ЙЎҚ

Нидерландияда озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси билан шуғулланувчи супермаркетлар бармоқ излари ёрдамида маҳсулот харид қилиш усулини йўлга қўйди.

Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, маҳсулот харид қилишнинг маъзур усулига кўра, харидор савдо марказида рўйхатдан ўтиши ва махсус аппаратда бармоқ изини қолдириши лозим. Бу унинг банкдаги ҳисоб-рақамидан савдо қилинган маҳсулотлар нарҳига яраша пул ечиб олиш имконини беради. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, янги усул жуда қулай бўлиб, савдо кассаларидан пул ўғирлашининг олдини олади.

НИГОҲ

ДИНИЙ БИЛИМ УЧУН ХОРИЖГА

Озолик, демократия, миллий анъаналарга қайтиш коммунистик мафкура зулмидан Имомали Раҳмоннинг узқони кўзловчи доно сисёти туйғайи эришилган миллий йутуқ сифатида талқин этилмоқда. Аммо, ушбу йутуқларнинг амал қилиши учун ҳеч қандай шароит йўқ. Хукумат, ҳатто, миллий мафкуравий маконини шакллантириш масаласида ҳам аниқ лойиҳа ва ислохотларни амалга ошириш ўрнига руҳсат берувчи ва тақийловчи қарорлар қабул қилиш билан чекланмоқда.

Жумладан, Тожикистонда диний таълим-тарбия билан уйғунлашган миллий анъана ва урф-одатларни қайта тиклаш катта муаммо ва бунинг иложи йўққа ўхшайди. Негаки, мамлакатда амал қилиб турган, давлат йўли билан тартибга солинадиган ва молиявий таъминланадиган диний таълим муассасаси инфратузилмаларининг ўзи йўқ. Вужудга келган маънавий эҳтиёж бозорини ҳам республика раҳбарлари томонидан амалий тақлифлар йўқлиги сабабли турли-туман христиан миссионерлар ва радикал кайфиятдаги ички диний ташкилотлар эгаллаган. Диний билимга эга бўлиш пайга тушган минглаб тожикистонлик фуқаролар Покистон, Миср, Эрон, Яман ва Афғонистонга боришга мажбурлар. Баъзи ҳолларда ёшлар ўша мамлакатлар ҳукумати ёки диний бошқарув органлари назоратидан холи мактабларда ўқиятлар. Бунинг оқибатида ўқиш ва яшаш жараёнларида аксарият ёшлар диний-экстремистик ташкилотлар таъсирига тушиб қолмоқдалар. Улар Ватанларига қайтганларидан сўнг радикал диний оқимлар етакчисига айланаётган ҳоллар ҳам учраяпти.

Тожикистонда "Салафия" оқими гоғларини тарғибот қилгани учун қўлга олинган Сарвар Юсупов, Суроб Шамшиев, Муҳаммадали Собиров Покистондаги теологик марказлардан бирининг битирувчилари бўлиб чиқдилар. Шунингдек, Тожикистоннинг Панжикент ва Айний туманларида "Ҳизб ут-Тахрир" диний-экстремистик ҳаракат гоғларини тарғибот қилишда айбланиб, Маърифат Каримова ва Мусо Олимов ҳам қўлга олинган эдилар. Аниқланишича, улар чет элда таълим олшган экан. Икки ишлар вазирлиги ходимлари "Салафия" ва "Ҳизб ут-Тахрир" оқимларининг 68 фаол аъзосини ҳўбса олдилар ва бешта махфий ўчоғини фойда эдилар. 60 киши, яъни асосан ёшлар шу ерда ўқитилган экан.

Бундай жазо чоралари етарли эмас. Хориждаги теологик марказларга ноқонуний ўқишга кетаётганлар тобора кўпаяпти. Статистика маълумотларига кўра, ҳозирги кунда Эрон, Покистон, Миср ва Яман мамлакатларининг очик ва хуфийёна марказларида олти минг тожикистонлик ўқимокда. Мисрнинг "Ал-Азхар" университетиде тожикистонлик 800 дан кўпроқ талаба, Исқандария диний таълим марказида 600 дан зиёд фуқаро таълим олмоқда.

Душанбе парламентчилари ўз фуқароларидан террорчилар ясамаслик учун мамлакатда диний таълим муассасаларини барпо этиш ўрнига шунчаки, чет элга ўқиш учун боришни тақийлаб қўя қолдилар. Қонун чиқарувчиларнинг енгил-елии ҳаракатлари билан мамлакат ташқарисиде ўқиш учун бориш зазога тортилувчи жиноятга айланди. Энди тожикистонликларнинг кўпчилиги махфий тарзда Афғонистон орқали ўқишга кўчиқмоқдалар. Улар мамлакатни хуфийёна тарқ этиб, қонунбузарлик қилаётганлари устига учинчи мамлакат ҳудудидеги хуфийларга ҳам айланмоқдалар. Масалан, Тожикистоннинг Покистондаги теологик марказларида диний таълим олаётган 27 фуқароси Афғонистонда ноқонуний тургани учун қўлга олинди. Улар 16-32 ёшдаги тожик фуқаролари. Эрон ҳуқуқи муҳофазе қилиш органи ҳам Зоҳидондаги мадрасада тахсил олаётган 50 га яқин тожик хуфийларини ватанларига ҳўнатиб юорди.

Энг аввало, дурустроқ диний билим олиш учун урунаётган ёшлар азият чекмоқдалар. Иккинчидан, уларнинг бир қисми ҳамма марказлар ҳам лозим даражадаги назорат остида эмаслиги боис диний-экстремистик ташкилотлар тармоғига тушиб қолиб, ватанларига қайтган, уларнинг гоғлари тарғиботчисига айланмоқдалар ва бу билан республикада жамоат тартибининг издан чиқиши хавфини кўчайтирмоқдалар. Учинчидан, хорижа чиқиш тақийлангани ва шу муносабат билан бошқа мамлакатлар ҳудудиде хуфийёна бўлишлари аҳолида норозилик уйғотмоқда. Шунингдек, мамлакатнинг ўзиде диний таълим марказларининг йўқлиги ҳам халқ норозилигини баттар кўчайтирмоқда. Ваҳоланки, Тожикистон ўз диний таълим тизимини, албатта, ҳукумат назорати остида яратганида, ҳамма муаммолар ҳал этилган бўлур эди.

Темуршоҳ ВАФОВЕВ, www.tajmigrant.com

САЙЁРАМИЗ АҲОЛИСИ ЖАДАЛ КЎПАЙМОҚДА

Германиянинг Жаҳон аҳолишунослик жағармаси тарқатган маълумотларга кўра, айни вақтда сайёрамиз аҳолиси сони етти миллиард эллик етти миллиондан ошган.

Дунё аҳолиси сони ҳар йили саксон миллионга кўпаймоқда. Жамғарма расий вакили Уте Штальмайстернинг айтишича, аҳоли сони, айнқиса, Африка мамлакатларида шиддат билан ўсмоқда. Юз йил ичиде ушбу китъадаги аҳоли сони 3,5 миллиардга етиши мумкин. Сайёрамиз аҳолиси эса 2050 йилгача 9,2 миллиардга етиши тахмин қилинмоқда.

Ўза.

TOHKENT HAQIQATI / ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ. Бош муҳаррир: Убайдулла АБДУШОҲИДОВ. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Телефонлар: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс). 233-12-83, 233-48-08. 236-55-54. 233-54-10. Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Навбатчи муҳаррир: Жўра САЪДУЛЛАЕВ. Навбатчи: Юлдузхон МУҲИДДИНОВА. Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ. Хафтанин чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-742. Адади 6513. Ҳажми - 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Белгилли материаллар - тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи - 205. Босишга топшириш вақти - 20.00. Босишга топширилди - 17.30. 12345